Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 декабрь шанба

Сотувда эркин нархда

№ 254-255 (2816-2817)





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 декабрь куни Оқсаройда АҚШнинг "АББ Луммус Глобал" компанияси раҳбари Стефан Соломонни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат "АББ Луммус Глобал" президенти, балки етук мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

Мазкур компания нефтгаз, нефть кимёси, саноат, ахборот, электр тизимлари, муқобил энергия ишлаб чиқаришга оид технологиялар билан шуғулланади. У сўнгги бир неча йил ичида дунёнинг турли мамлакатларида икки мингга яқин лойиҳани амалга оширган.

"АББ Луммус Глобал" ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Шўртан газ-кимё мажмуининг қурилиши билан боғлиқ ишлар борасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Компания 1995 йилнинг октябрида бу лойиҳани техникавий-иқтисодий асослаган.

Шундан кейин 1997 йил ноябрида ташқи инфратузилма иншоотлари, 1999 йил февралидан эса бевосита технологик зона қурилишлари бошланди. Жорий йилнинг 31 октябрида барча ишлар тугалланиб, корхона тахт ҳолга келтирилди. Маълумотларга кўра, у йилига 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва 126 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга.

Оқсаройдаги учрашувда "АББ Луммус Глобал" президенти мамлакатимиз раҳбарини лойиҳа якунлари билан таништирди ва уни ижро этишда кўрсатган шахсий ёрдами учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан "АББ Луммус Глобал" компанияси ўртасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишларига оид масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Мажлисда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг якунлари ҳамда унинг қарорларини бажаришга доир чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, депутатларининг сессия материаллари ва қарорларини фуқаролар ўртасида тушунтириш бўйича аниқ вазифалари белгиланди. Кенгаш аъзолари 2002 йилнинг 27 январига белгиланган умумхалқ референдумига доир асосий масалаларни муҳокама қилдилар.

Кенгаш ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг раиси А.Аҳадов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Н.Исмоилов иштирок этди.

## ЭЛЧИ ЭЪТИРОФИ

Яқинда Париждаги «Langues & Mondes» нашриёти 15 минг сўз бойлигидан иборат бўлган ўзбекча-французча луғатни минг нусхада нашр этди. Европада сотишга мўлжалланган мазкур луғат Марказий Осиёни ўрганиш Франция тадқиқот институти томонидан тайёрланди. Кеча айни воқеа муносабати билан Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жак Андре Костил давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда ривожланаётганлиги, француз ишбилармон ва сайёҳларининг мамлакатимизга қизиқиши катта эканлигини эътироф этди. Жаноб элчининг айтишича, келаси йил баҳорида пойтахтимизда Франция маданият маркази очилиши режалаштирилган.

— Ўзбекистон 11 сентябрь воқеаларига қадар ҳам нафақат Афғонистонда, балки бутун дунёда терроризм ўчоқларини бутунлай тугатилишидан манфаатдор эканлигини дадил айтиб келган, — деди жаноб элчи.

**Ўз мухбиримиз.**

**Бугуннинг гапи**

## ЯХШИ УМИДДАН АЙИРМАСИН ОДАМНИ!

Президентимиз Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясидаги нутқида Ўзбекистонни йўли, борар манзили аниқ, рули ва елканлари мустаҳкам бўлган, салобатли ва бақувват кемага менгзаб, қатъият ва ишонч билан шундай деб таъкидлади: «Бу кеманинг қайси жойда қандай сузишини белгилайдиган командаси — ҳукумати ва фидойилари бор, аниқ ва пухта режаси бор, бу режаларни амалга оширадиган етакчиси бор». Айтинг-чи, бунга заррача шубҳа бўлиши мумкинми? Асло! Мустақил мамлакатимизнинг ўн йил мобайнида босиб ўтган йўли ана шу фикрнинг нечоғли тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Ўтган қисқа давр ичида сизу бизнинг ҳаётимизда юз берган сон-саноқсиз ўзгаришлар ҳам айни шу ҳақиқатдан далолат беради. Мен нималарни назарда тутаяпман? Пойтахтимиз, вилоят ва туманларнинг марказлари — шаҳарлар тугул республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги қишлоқларнинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Ҳудудларда эса юзлаб янги саноат корхоналари, маиший иншоотлар қурилиб, ишга туширилди. Ижтимоий соҳада ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Энг муҳими, бугун халқимиз келажакка қатъий ишонч ила яшаб, эмин-эркин, хотиржам ҳолда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқда.

Албатта, юртимизда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар биринчи навбатда ишчан, ташаббускор, салоҳиятли, қалби очиқ, дили пок, иймон-эътиқоди бутун халқимиз — миллионлаб фидойилар қаҳрамонона меҳнатининг натижасидир. Шу билан бирга, бу — Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан изчил олиб борилаётган тўғри ички ва ташқи сиёсатнинг самараси, десак муболаға бўлмайди. Чунки шундай сиёсат туфайлигина мамлакатимизда тинчлик-осойишталик вазияти ҳукм сурмоқда, Ўзбекистоннинг демократия ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратилаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай кўзи очиқ, беғараз одам буни кўрмаслиги мумкин эмас.

Гап интеграция ҳақида бораркан, глобаллашув жараёнлари кун сайин жадаллашаётган ҳозирги шароитда дунёда юз бераётган иқтисодий-сиёсий инқирозларни биргаликда енгишда унинг аҳамияти тағинда ошиб бораётганини очиқ-ойдин эътироф этишга тўғри келади. Сабаби — минтақавий ва давлатлараро интеграциялар орқалигина жаҳон иқтисодий тизимига тезроқ қўшилиш мумкин. Зеро, республикамизда тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро алоқалар ўрнатишга жиддий эътибор берилаётганининг боиси шунда. Мисол учун, Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатларини олиб кўрайлик. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Шу йилнинг 26-30 ноябрь кунлари эса бу соҳада яна бир муҳим қадам қўйилди. Вашингтон шаҳрида мазкур ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича Ўзбекистон — АҚШ маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида Меморандум, шунингдек, молиявий ва иқтисодий масалаларга доир бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Йўлбошчимиз республика парламентининг сессиясида мамлакатимизнинг дунёдаги энг қудратли давлат — Америка Қўшма Штатлари билан узоқ ва давомли, ўзаро манфаатли алоқалар ва муносабатлар тузишига тўхталиб, бу «аввало, биз учун муҳим муаммо бўлмиш хавфсизлик масаласида кафолатлар олиш, эртанги озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишимизда, шу мақсадларга эришиш учун демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини қуришда, бозор ислоҳотларини охиригача етказишда кўмак ва ҳамкор топиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини» алоҳида уқтирди.

Хўш, ушбу Меморандумдан биз қандай наф кўрамиз?

Ўзаро келишувга кўра, АҚШ ҳукумати Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларга устуворлик мақоми бериб, Ўзбекистон Республикаси ва халқининг тараққиёти ҳамда гуллаб-яшнашини жадаллаштириш учун яқин ҳамкорликда ишлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармаси ҳамда бошқа халқаро молия институтлари билан муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди. Жумладан, шу йилнинг ўзида қўшимча иқтисодий ва гуманитар кўмак ҳамда хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик учун умумий қиймати 100 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатилади. АҚШ экспорт-импорт банкининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига кичик ва ўрта бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очиш ҳақидаги лойиҳасининг молиявий механизми ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни техник жиҳозлашга амалий ёрдам бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижросига кўмаклашиш билан инсон ресурсларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳам мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Амударё ҳавзасида икки йилдан бери давом этаётган қурғоқчиликнинг салбий таъсирини бошдан кечираётган ҳудудлари аҳолисига эса инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласи кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, томонлар ўртасида имзоланган Меморандумда батафсил белгиланган бир қатор устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилгани ҳолда, кейинчалик ресурсларни сафарбар этишга қаратилган грантлар ажратилиб, улар шу мақсадларга жалб қилинади.

Умуман, мазкур Меморандумда қамраб олинган масалалар кўп. Бироқ, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат манфаатларига мос тарзда, узоқ муддатли асосга қурилмоқда. АҚШ Президенти Жорж Бушнинг давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга йўллаган мактуби ҳам бунинг тасдиғидир. Бу эса халқимизнинг истиқболга бўлган ишончи, яхши умидини янада мустаҳкамламоқда.

**И. ЎТБОСАРОВ.**

## РЕФЕРЕНДУМГА ҲОЗИРЛИК БОШЛАНДИ

Самарқандда иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясида ўртага ташланган вазифалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисида умумхалқ сўрови — референдум ўтказиш масаласи кўрилди. Депутатлар Президент Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини ҳам муҳокама қилди.

Сессияда 2002 йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида референдумга пухта ҳозирлик кўриш, аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

**Уйғун РЎЗИЕВ, ЎзА мухбири.**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Жиззахда иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясида кўрилган масалалар ва Президент И.Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими У.Ямантқулов маъруза қилди.

Сессияда 2002 йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди.

Сессияда, шунингдек, "Она ва бола" Давлат дастури асосида вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишлар ва бу борада давом эттирилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида фикрлашиб олинди.

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.**




ўз қўлинг билан барпо этишинг керак,



ЭККАН НИҲОЛЛАРИНГ МЕВАСИНИ,



ҚУРГАН УЙЛАРИНГ РОҲАТИНИ,



ФАРЗАНДЛАРИНГ КАМОЛИНИ КЎРАЙ ДЕСАНГ,

ёвузликка қарши курашмоғинг лозим!

**Қандай йўл билан бўлмасин фақат шахсий бойлик орттиришни ўйлайдиган баднафс одамлар учун муқаддас қадриятлар тушунчаси мутлақо бегона бўлишига кўплаб далилларни келтириш мумкин.**

## НОДИР САҲИФАЛАР эгаларига қайтарилди

12 кишидан иборат жиноий гуруҳнинг жуда ноёб ҳисобланадиган нодир ашёларни хорижлик ҳамтовоқларига пуллашдан иборат бўлган жиноятkorона режаси амалга ошмади — яқинда улар мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари томонидан қўлга олинди.

Чет элга хуфёна олиб чиқиб кетилишининг олди олинган ноёб ёдгорликлар орасида муқаддас Қуръони карим калималари VII-IX асрларда ошланган терига куфий хатида битилган икки нодир саҳифа ҳамда XVIII асрда насталиқ хатида ипак қоғозига нафосат билан битилган Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаси ҳам бор. Куфий хатидаги саҳифаларда олтин суви билан ёзилган калималар ҳам мавжуд.

Энди ушбу нодир ёдгорликлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасидаги кўҳна ганжиналар қаторидан жой олади.

Муфтий Абдурашидқори Баҳромов уларни қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси номидан маросимга ташриф буюрган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларига миннатдорлик билдириб, ушбу нодир ёдгорликлар муборак Рамазон ҳайити арафасида қутлуғ тухфа бўлганини айтди.

**«Жаҳон» АА.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● Associated Press агентлигининг хабар беришича, кеча биринчи рақамли террорчи ва «Ал-қоида» аъзолари Тора-Бора тумани билан Покистон чегараси ўртасида қамалга олинган. Ушбу воқеадан сўнг Исломобод расмийлари ўз чегара ҳудудларини янада мустаҳкамлаган. Ҳозирда аксилтеррор амалиёти иштирокчилари «Толибон» ҳаракати етакчиси Муҳаммад Умар устидан ҳам қидирув ишларини давом эттирмоқда. Кеча Оқ уй маъмурлари унинг боши учун 10 миллион доллар мукофот берилишини эълон қилди.**

**● Би-би-Си хабарларига қараганда, кеча Пентагон мулозимлари Тора-Бора туманида жон сақлаётган жангариларга қарши қўшимча куч жўнатишга қарор қилган. Ушбу қадам АҚШ ҳукуматининг «Толибон» ва «Ал-қоида» ташкилоти етакчилари ва аъзоларига нисбатан олиб борилаётган амалиётлари жиддий эканлигидан далолат беради.**

**● ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, АҚШ Конгресси мамлакатнинг 2002 йилги мудофаа соҳаси учун 343 миллиард доллар ажратиш хусусидаги ҳужжатни тасдиқлаган.**

**● Кеча АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодиннинг Афғонистонни тарк этганлиги ҳақидаги хабарларни инкор қилиб, у ҳали ҳам Афғонистонда яшириниб юрганлигини маълум қилди.**

**● Исроил ҳарбий вертолётлари Фаластиннинг Иордан дарёси ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасидаги бир неча шаҳрига яна зарба берди. Хабарларга қараганда, айниқса, Фаластин раҳбари Ёсир Арафот қароргоҳи жойлашган Рамаллоҳ шаҳрига кучли зарбалар берилган. Бундан шаҳар инфратузилмаси жиддий талофат кўрган, хавфсизлик ва полиция хизматига қарашли бинолар вайрон бўлган.**

**● Кеча Бельгияда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг саммити бошланди. Унда Европада интеграция жараёнини янада ривожлантириш, ЕИнинг кенгайиши, Европа мудофаа тизимини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этиляпти.**

**● Мисрда араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Яқин Шарқ муаммоси бўйича ўтказилиши режалаштирилган фавқулодда мажлиси келаси йилнинг 4-5 январь кунларига қолдирилди. Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Моҳир Фаластин раҳбари Ёсир Арафот, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳамда Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин билан мулоқот қилиб, шундай қарорга келган.**

**● Куни кеча Оқ уй раҳбари Жорж Буш АҚШ қитъалараро ракеталардан ҳимояланадиган тизим яратишни маън қилиш бўйича 1972 йилнинг 26 майида Москвада имзоланган шартномадан чиқишини Россия мулозимларига маълум қилди. Маълум бўлишича, Пентагоннинг асосий мақсади АҚШ ҳудуди ва аҳолисини оммавий қирғин қуроллари ҳужумидан ҳимоя қилишдан иборат. Оқ уй мулозимларининг айтишича, ушбу қарор расмий Вашингтон ва Москва ўртасидаги муносабатларга соя ташламайди.**



«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

**Тўрт ой муқаддам Тошкент туманида Туркиянинг "Йилмиз Текстил ЛТД" фирмаси билан ҳамкорликда ўзбек-турк қўшма корхонаси ташкил қилинган эди. Бугун корхона ўз маҳсулотларини четга экспорт қила бошлади.**

## МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

— Биз жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган кийим-кечаклар таёрлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди қўшма корхона раҳбари М.Азимов. — Сотувга 20 хилдан ошиқ маҳсулот чиқаряпмиз. Корхонага кийим-кечак тикиш ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технология ўрнатдик.

Ҳозирча Туркия ҳамда Ўрта Осиё республикаларига маҳсулот чиқаряпмиз. Европа давлатлари билан ҳам шартномалар имзолаш арафасида турибмиз.

Хомашё мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналаридан сотиб олинмоқда. Бу маҳсулот таннархининг анча арзон бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу кунгача корхона сотувга 12 миллион сўмлик кийим-кечак чиқарди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

## ЯШАШ ВА ЯРАТИШ ИШТИЁҚИ

«Бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим», Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида айтган бу сўзлари юртимиздаги барча кишиларни, айниқса, отахон ва онахонларни бениҳоя руҳлантириб, уларни бамисоли яшартириб юборди, белига қувват, билагига куч бағишламоқда. Яшаш иштиёқи ошмоқда улар кўнглида.

Шу муносабат билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашида жамғарма фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий кенгаш раиси Э.Боқибоев халқимизнинг асрий қадриятларини инобатга олиб, Президентимиз юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганлиги ҳақида гапириб, шу муносабат билан махсус Давлат дастури тузилажаги, унда фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари ўзлари тўғрисида бу каби чексиз ғамхўрликларга жавобан қандай қилиб миннатдорчиликларини ифодалашга сўз топа олмаётганликларини катта ҳаяжон билан гапирдилар.

— Қани айтингчи, яна қай ерда, қайси мамлакатда қариялар биздаги каби ҳурмат-иззатда, — деди ҳаяжон билан Акром Алимов. — Юртимизда кексаларга кўрсатилаётган эътибордан чет элликлар ҳайратда. Улар бизда бу каби савоб ишлар йўқ, сизлар маънавий бой халқ экансизлар, бунга тан бермай кишининг иложи йўқ, дейдилар.

— Ўша куни, Президентимизнинг нутқини эшитгандан бери биз, кекса авлод бу чексиз ҳурмат ва иззатга жавобан нима иш қилишимиз керак, деган савол менга тинчлик бермаётир, — деб таъкидлади Ориф Алимов. — Ҳаёт тажрибаси бор бизда, шундан фойдаланиб, назаримда ёш оилаларни мустаҳкамлаш, маҳалла-кўйни ободонлаштириш, аҳоли орасида давлатимиз сиёсати моҳиятини кенг тушунтириш, ўзимизнинг ўгит-насиҳатларимиз билан хизмат қилишимиз мумкин.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа фахрийлар ҳам, чунончи, академик Азизхон Қаюмов, Саидмурод Султонов, Николай Молдовановлар ҳам юртимизда отахон ва онахонлар учун қилинаётган ғамхўрликлар ҳақида ўзларининг дил сўзларини айтдилар.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистон «Нуроний» жамғармасининг бош мутахассиси.**

«Rahnamo»
КОМПАНИЯСИ
Ўзбекистон халқини
Ийд ал-Фитр —
Рамазон Ҳайити
билан
муборакбод этади!
Телефон: 136-70-35, 136-79-09, 136-78-74
Факс: 136-24-65 E-mail: rahnamo@online.ru
8100

*Миллий дастур мевалари*

**Математикага бўлган ихлос Отабек Саматовга омад эшикларини очиб берди. Аниқ фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолиби бўлган бу йигитча халқаро олимпиадада қатнашиш учун Қўшма Штатларга ҳам бориб келди. Фан бўйича олган сабоқларини намойиш этиб, фахрли ўринни эгаллади. Тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турадиган ўсмир Наманган давлат университети қошидаги академик лицейнинг сўнгги босқич талабаси.**

## ОКЕАН ОРТИГА ЙЎЛ



Гапнинг очиғи, ер юзининг анча олисдаги қитъасига бориб, мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлган Отабекка роса ҳавасим келди. Ўртоқларининг севинганини-ку қўяверасиз. Айни дамда Отабекнинг ҳаяжони ҳам чексиз. У эришган ютуқларини давлатимизнинг ёш авлод истиқболи учун ҳеч нарсани аямаётгани билан изоҳлайди. Аслида ҳам мана шундай. Агар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ўқитишнинг жаҳон андозаларига мос йўналишлари жорий этилмаганда, у сингариларнинг катта бойлиги — ақлий қобилиятларини шу даражада намойиш этишлари осон кечармиди? Ахир, ҳар қандай истеъдод ҳам вақтида кашф этилиб, тўғри тарбиялангандагина сайқал топади-да.

Академик лицей мақомини олганига эндигина тўрт йил тўлаётган бу иқтидорлилар маскани таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг меваси сифатида ўзини намоён этиб улгурди. У умумий таълим мактабларидан нимаси билан фарқланади, деган савол туғилиши табиий. Бунга фанларнинг болаларнинг қизиқиш ва қобилиятларига қараб, чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилиши, таълим жараёнига илм аҳлларининг жалб этилиши билан, деб жавоб қайтариш мумкин. Олий ўқув юртига киришнинг замонавий талабларига мослашаётган йигит-қизларга эса айнан шу керак.

Педагогик жамоада меҳнат қилаётган 5 та мураббийнинг 18 нафари илмий даражага эга. Физика-математика, кимёдан дарс бераётган профессорлар — Наимжон Раҳимов ва Шавкат Абдуллаевларнинг машғулотларига талабалар «тўйишмайди». Мактаблардан танлаб олинган тажрибали ўқитувчиларнинг ҳаракати ҳам чакки эмас. Исматилла Аҳмедов, Маъсудахон Жамолова, Дилфуза Турдалиевалар шу ерда маҳоратларини намойиш этиб, фахрий унвон соҳиби бўлишди. Математика муаллими Дилшод Қаюмов болаларга пухта билим бериш баробарида илмий иш билан шуғулланмоқда. Фан ўқитувчилари билим ва малакаларини пухталаштириш учун хорижга ҳам бориб келишяпти. Яқинда Аъзамжон Нормирзаев, Неъматжон Сотволдиев, Муҳиддин Солиевлар Кореянинг Сеул шаҳрида малака оширишди. Шуниси эътиборлики, ташкилотчилар улар ортидан компьютер, лингафон синфи учун жиҳозлар, қатор ўқув қуроллари ҳам жўнатишди. Билим даргоҳининг моддий негизи янада мустаҳкамланди бу билан.

Академик лицейнинг салоҳиятига ҳавас қиласиз. Қишки ва ёзги спорт зали, чўмилиш ҳавзаси, 10,5 минг китоб жамғармаси ва 100 ўринли кутубхона, техник ва электрон воситалар... Булар муҳайё жойда яхши ўқимасликнинг ўзи айб.

Компьютер синфи учинчи босқич талабаси Мухторжон Нуриллаев билан суҳбатлашдим. Янгиқўрғоннинг узоқ қишлоғидан келган йигитчанинг компьютер тугмачаларини дадил босиб, уни истаган дастурга йўналтира олишига лол қоласиз.

— Бизда учта компьютер синфи бор, — дейди у. — Ҳар бир киши бемалол шуғуллана олиши учун 38 та «ақлли» машина келтирилган. Аксарияти сўнгги нусхада. Болаларнинг деярли барчаси зарур дастурлар тузиш малакасини эгаллаган. Устозларимизнинг талабчанлигидан бу.

Наманган давлат университетининг филология факультетида ўқишни кўзлаб турган Одина Бойлареванинг ҳам тили бурро. Ҳуснихат билан ажойиб шеърлар битадиган, мустақил фикрга эга бу қизнинг жавобларидан кўнглингиз кўтарилади. Хорижий тиллар гуруҳида таҳсил олаётган Нигора Эгамованинг инглиз тилида эркин гапириши унинг замонавий ёшларга қўйилаётган талабларга жавоб бера олишидан нишона.

Лицейда таълим стандартларига тааллуқли ҳужжатлар билан жиҳозланган хона бор. Унда бугунги кун ўқитувчисию ўқувчисига қўйиладиган талаблар мужассам. Алоҳида қилиб осиб қўйилган рейтинг ойнаси диққатни тортади. Талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичлари акс эттириладиган бу жадвалга ҳар 45 кунда янги белгилар қўйиб борилар экан. Билим даражасини ифодаловчи балл ва чизиқчаларнинг юқорилаб ёки пастлаб бориши ҳар бир бола интилишининг кўзгуси. Ҳаракати сустлашганни ҳушёр торттиради.

— Ёзда дастлабки қалдирғочларимиз учирма бўлди, — дейди академик лицей директори, филология фанлари номзоди Зоҳиджон Содиқов. — Улар уч йил давомида ўзлари танлаган фан йўналишлари бўйича зарур билимларни олиб улгуришган экан, 70 фоизи мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил кўришяпти. Амалдаги йилда бу кўрсаткични янада оширамиз.

Бу гапларни эшитган, қайси ота-она фарзандини мана шундай замонавий даргоҳда ўқитгиси келмайди, дейсиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ЖИБРИ»: ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК





Жиззах шаҳридаги чигитни қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Жибри» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасининг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у қисқа давр ичида маҳсулот етиштирувчилар ишончини қозонди. Айниқса, корхона билан хўжаликлар ўртасидаги ҳисоб-китобнинг тўғри ташкил этилганлигидан фермерлар мамнун.

Яқинда корхона маъмурияти яна бир янгиликка қўл урди. Энди фермер топширган маҳсулоти учун олинадиган пахта ёғи, кунжара, шелуха ва бошқа турдаги маҳсулотлар учун корхонага бориб овора бўлиб ўтирмайди. Қўшма корхона томонидан ана шу мақсадлар учун ажратилган иккита автомобиль фермерлар учун зарур бўлган маҳсулотларни пешма-пеш етказиб бермоқда. Бунинг учун сарфланадиган барча харажатлар корхона томонидан қопланмоқда.

***СУРАТЛАРДА:** смена бошлиғи Неъмат Анорбоев пресловчи Зафар Холбўтаев билан; корхона лабораторияси мудири Содиқа Оқбоева.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) ўринларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ, ПРОФЕССОРЛАР, ДОЦЕНТЛАР, КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР, АССИСТЕНТЛАР:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Гидрология ва гидрогеология | — доцент (1). |
| 2. | Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш | — кафедра мудири (1), ассистент (1). |
| 3. | Менежмент ва маркетинг | — профессор (1), доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (1). |
| 4. | Олий математика | — доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1). |
| 5. | Гидротехника иншоотлари | — доцент (1). |
| 6. | Қишлоқ ва сув хўжалиги электр таъминоти | — кафедра мудири (1), доцент (1). |
| 7. | Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари | — доцент (1), катта ўқитувчи (3), ассистент (1). |
| 8. | Маданиятшунослик ва техник дизайн | — кафедра мудири (1), доцент (1). |
| 9. | Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | — катта ўқитувчи (1), ассистент (4). |
| 10. | Макроиқтисодиёт | — кафедра мудири (1), доцент (1). |
| 11. | Қишлоқ ва сув хўжалиги ишларини ташкил қилиш технологияси ва бошқариш | — катта ўқитувчи (1). |
| 12. | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш | — профессор (1), доцент (1). |
| 13. | Фалсафа | — кафедра мудири (1), доцент (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (2). |
| 14. | Кимё | — кафедра мудири (1), доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (1). |
| 15. | Амалий механика | — катта ўқитувчи (1). |
| 16. | Бухгалтерия ҳисоби ва молия | — кафедра мудири (1), доцент (1), ассистент (2). |

Кафедра мудирлари лавозимларига фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар танловда иштирок этиши мумкин.

Танловга аризалар қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар
Тошкент шаҳар, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй,
ТИКХМИИ кадрлар бўлимига мурожаат қилиши мумкин.
Телефон: 137-19-49.

Ректорат.

*Хабарингиз борми?*

## КЎП СЎЗЛАШИБ, ОЗ ТЎЛАЙСИЗ

Телекоммуникация соҳасида етакчилардан бири — «COSCOM» компанияси янги тариф сиёсатининг мазмун-моҳиятини ана шундай изоҳлаш мумкин. Бу гап бир қарашда мантиқсиздек туюлади. Бироқ бунинг ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқ: компания замонга мос тарзда қадам ташлаяпти. Бозор иқтисодиётига мослаша бориб, республикамизда уяли алоқани ривожлантириш борасидаги ишларини такомиллаштириш йўлларини изламоқда ва бунга эришмоқда. Республика Миллий матбуот марказида яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида айнан шу ҳақда сўз юритилди.



Ўзбекистонда уяли алоқанинг биринчи ва шу даврга ча ягона оператори бўлиб келаётган «COSCOM» компанияси халқаро автоматик роуминг бўйича хизмат турини кўрсата бошлаганига уч йил тўлди. Бундай қулай хизмат эса унинг абонентларига дунёнинг 42 та мамлакатидаги 60дан зиёд оператори ҳудудларида ўз телефонларидан бемалол фойдаланиш имконини бермоқда. Шунинг ўзиёқ уяли хизмат бозорида етакчи ўринни эгаллаб туриш учун етарли эди, албатта. Бироқ «COSCOM» шон-шуҳрат кетидан қувмай, тараққиётнинг янги босқичини эгаллашга жазм этганлигини маълум қилди. Унинг моҳият ва мақсади шуки, бутун республика бўйлаб уяли телефон тармоғининг техник хизматини кескин кучайтириш, сервис савиясини ошириш ва юқорида таъкидланганидек, янги тариф сиёсатини жорий этишдир.

Уяли тармоқни техник жиҳатдан кучайтириш масаласи хусусида тўхталсак, бугунги кунда, Тошкент шаҳрида «ALCATEL» коммутатори, шунингдек, «GSM-1800» андозасидаги базавий ускуналарнинг европача сифатига эга янги технологик қувватларини жорий этиш ишлари охирига етказилмоқда. Бу иш тугалланса, компания кейинги йилданоқ трансреспублика автострадалари, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида эса уяли алоқа хизмат кўрсата бошлайди ва тармоқ бутун республикани қамраб олади. Абонентлик тўловининг бўлмаслиги, яъни фойдаланувчи фақат сўзлашгани учун ҳақ тўлаши COSCOMнинг ACTIV режаси — янги тарифларининг ўзига хос жиҳатидир.

Шу билан бирга, унда фойдаланилган эфир вақтининг кўпайиши билан сўзлашувнинг ҳар дақиқасига тўланадиган ҳақ камайтирилади. Бундан ҳам қизиғи шуки, сиз қўнғироқ қиласизми ёки сизга қўнғироқ қилишадими, фарқи йўқ, тариф тенг. Эфир вақтининг 550-дақиқасидан бошлаб эса, кундузги тариф кечасидагиси билан бараварлашади. Бундан ташқари, «COSCOM» ўзининг VIP хизмати ҳамда уяли алоқадан чекловсиз фойдаланишдан манфаатдор бўлган абонентларни ҳам назардан қочираётгани йўқ. Улар учун COSCOMнинг LUX тарифи тавсия этилади.

Шундай қилиб, компания ўзининг уяли алоқани ривожлантириш дастурини амалга ошириш йўлида яна бир муҳим қадам ташлади. Бу хайрли ишда унга омад тилаймиз.

**Татьяна ОРЛОВА.** t

## ЭКОЛОГИЯ ВА АЁЛ

**Фарғона давлат университетида Оналар ва болалар йили Давлат дастури бўйича «Экология ва аёл» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

**Машваратнинг айнан Фарғонада ўтказилганлиги бежиз эмас. Минтақада мамлакатимиз нефть ва кимё саноатининг кўплаб корхоналари жамланган. Экологик вазият бошқа минтақаларга нисбатан анча ўткир. Республика «Оила» маркази директори В.Каримова шу муаммони экологик маданият, экологик онгни шакллантиришдаги роли масалалари билан боғлаб маъруза қилди. Айниқса, анжуман қатнашчиларида университет талабаси Д.Абдураззоқованинг «Аёллар меҳнати ҳуқуқий муҳофазаси», профессор М.Аҳмедованинг «Фарғона минтақасининг долзарб экологик муаммолари» мавзуидаги маърузалари қизиқиш билан тингланди.**

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

SH Export
ОБОРУДОВАНИЕ ОХРАННО-ПОЖАРНОЙ СИГНАЛИЗАЦИИ
СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ
Телевидеонаблюдение, металлодетекторы.
Периметральные системы.
PHILIPS IntelliSense RANGER NORTHERN COMPUTERS ADEMCO microtech
Vinlad Специализированное производственное предприятие
г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18.
Тел.: 50-99-13, 50-46-13. Тел./Факс: 120-66-01.
E-mail: vinlad@naytov.com

